

5. Berle A.A., Means G.C. *The Modern Corporation and Private Property*. Commerce Clearing House, Chicago, IL, 1992-pp. 68-87.
6. Committee on corporate governance: final report. Available at: <https://ecgi.global/code/hampel-report-final>. (accessed: 31.03.2020).
7. Дементьева А. Акционерная форма собственности и корпоративное управление. //Проблемы теории и практики управления. 2007, № 12, с 75-84.
8. <https://www.hakanguclu.com/kurumsal-yonetim/soru-cevap/kurumsal-yonetim/>
9. Глушкова Л. Формирование и развитие системы корпоративного управления в кредитной организации. <http://www.dslib.net/finansy/>
10. Мурычев А. Состояние и совершенствование корпоративного банковского управления в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. -М.,2007.-38 с.
11. Корпоративное управление в совете директоров <https://www.pwc.kz/en/services/riskassurance/pdf/>.
12. Принципы корпоративного управления для банков (июль 2015). Базельский комитет по банковскому надзору. <https://www.cbr.ru/pdf>.
13. Совершенствование корпоративного управления в кредитных организациях. Базельский комитет по банковскому надзору. Базель, сентябрь 1999 г.
14. Каспина Р.Г. Влияние на формирование бухгалтерской отчетности механизмов корпоративного управления. //Финансы и кредит. 2004. № 7 (145). – С. 50–55.
15. Осипенко О.В. Формирование институтов корпоративной сферы: российский опыт. //Российский экономический журнал. 2004. № 1. – С. 52–58.
16. “Тижорат банклариди корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низом. №3254, 30.06.2020 й.
17. Temirov A.A. Improvement of corporate governance in the banking sector of the Republic of Uzbekistan. //Современная школа России. Вопросы модернизации. №1 (38, т2), 2022, с.28-30.



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a15](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a15)

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Абдукахарова Севара Абдунодировна** -  
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти  
ривожлантиришининг илмий асослари  
ва муаммолари” ИТМ, кичик илмий ходим

**Аннотация.** Иқтисодиётнинг ривожланиши доимо инновацияларни жорий этишга асосланади. Турли соҳаларда фаол ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли иқтисодиёт рақамли ва электрон технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган иқтисодий фаолият ҳисобланади. Ҳозирги вақтда банк соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, банкларда рақамли технологиялардан фойдаланиш бутун мамлакатнинг рақамли иқтисодиёти ривожлантиришида, шунингдек, банк соҳасида рақобатбардошликни оширишда асосий бўлин ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Big Data, булутли технологиялар (cloud computing), BlockChain, Agile-technologies, валюта, интернет-банкнинг, рақамли банк.

## АНАЛИЗ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И УСЛУГ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Абдукахарова Севара Абдунодировна** -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, Научно- исследовательский центр,  
младший научный сотрудник

**Аннотация.** Развитие экономики всегда основано на внедрении инноваций. Активные изменения происходят в различных областях. Цифровая экономика - это экономическая деятельность, ориентированная на использование цифровых и электронных технологий. В настоящее время большое внимание уделяется использованию цифровых технологий в банковской сфере. Актуальность данной темы заключается в том, что использование цифровых технологий в банках является основным звеном в развитии цифровой экономики всей страны, а также в повышении конкурентоспособности в банковской отрасли.

**Ключевые слова:** Big Data, Cloud computing, BlockChain, Agile-technologies, валюта, интернет-банкнинг, цифровой банк.

*Abdukaxarova Sevara Abdunodirovna -  
Tashkent State University of Economics,  
Research Center, junior researcher*

**Abstract.** *The development of the economy is always based on the introduction of innovations. Active changes are taking place in various areas. The digital economy is an economic activity focused on the use of digital and electronic technologies. Currently, much attention is paid to the use of digital technologies in the banking sector. The relevance of this topic lies in the fact that the use of digital technologies in banks is the main link in the development of the digital economy of the whole country, as well as in increasing competitiveness in the banking industry.*

**Key words:** *Big Data, Cloud computing, BlockChain, Agile-technologies, currency, internet-banking, digital bank.*

**Кириш.** Бугунги кунда банк сектори турли янгиликларга бўлган катта иштиёқ билан ажралиб туради. Умуман олганда, сўнгги йилларда банкларнинг роли унчалик ўзгармаганига қарамай, уларнинг ўзаро муносабатлари, шу жумладан мижозлар билан ўзаро муносабатлари доимий равишда ривожланиб, модернизация қилинмоқда. Ҳаёт суръатининг тезлашиши вақт қийматини кескин оширди ва масофадан туриб кўрсатиладиган хизматларга катта талабни келтириб чиқарди. Айни пайтда, бу тизим асосан mobil ва Internet-bankingни ўз ичига олади.

Банк тизимида замон талабларига мос ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали кўплаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари жадаллашган. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси[1]да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларини корпоратив трансформация қилиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида қуйидаги асосий вазибалар белгилаб олинган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш;

- автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;

- банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;

- банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий этиш (финтех, рақамли банк).

Бу вазибаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида аҳолининг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборат. Маълумки, банкларни рақамлаштириш жараёни

банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида барпо этиш ҳисобланади. Бу жараёнда банк мижозларига молиявий хизматларнинг қулай, сифатли ҳамда тезкор равишда амалга оширилиши операцион харажатлар камайишида муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар таҳлили.** Замонавий шароитда банк бизнесини ўзгартириш ва рақамлаштириш муаммолари ва муаммолари билан шуғулланадиган олимлар орасида А.И.Серебрянникова, Н.Е.Соколинская изланишларини мисол қилишимиз мумкин. Муаллифлар трансформация даврининг мураккаблигини қайд этиб, банк амалиётида модернизация ва инновациялар зарурлигини таъкидлайдилар. Бундай трансформация банк сектори томонидан унга хос бўлган рискларга эътиборнинг кучайиши билан бирга келади[2].

Хорижий муаллифлар Х.Ма, Ч.Менг, Д.Янг, Х.Ванг рақамли технологияларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларига (саноат, молия сектори, давлат хизматлари сектори) таъсирини кўриб чиқадилар. Хитойда рақамли трансформациянинг мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайдилар[3].

Рақамли трансформация шароитида бизнес моделларини трансформация қилиш масаласи П.Вайл ва С.Уорнер ишларида ўрганилган. Хорижий муаллифларнинг ишлари банк фаолиятини ўзгартиришнинг замонавий жиҳатларига бағишланган бўлиб[4], бу Ўзбекистон Республикаси молия ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш ва рақамлаштириш жараёнида бир қатор умумий хусусиятларни аниқлаш имконини беради ва хорижда ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан барча мамлакатлар учун умумий муаммоларни аниқлашга имкон яратди.

М.С.Лейтон, Ж.С.Гурвиц, А.Ф.Нюгент, Ф.Халпер, М.А.Кауфман ўз асарларида эса “Техник ўзгаришлар муқаррар равишда кредит ташкилотлари фаолияти учун тартибга солиш муҳитидаги ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқдир” дея таъкидланганлар [5].

Таниқли ўзбекистонлик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори, профессор. Н.Х.Жумаев “Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар раванқ топиши”ни таъкидлайди “[6].

Жаҳон иқтисодиётида тижорат банклари фаолиятида охириги 10 йилда қуйидаги IT-технологиялари ривожланмоқда:

**Big Data** (Катта маълумотлар) технологияларининг ривожланиши қарз олувчининг аризасини тез муддатларда кўриб чиқиш ва мижознинг тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилишда вақтни сезиларли даражада тежашга эришади. Тижорат банклари пластик карталар билан амалга ошириладиган ҳар хил ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда мижозлар билан ишлашда риск-менежментни ривожлантириш нуқтаи назаридан ушбу технологияларни ривожлантиришдан манфаатдор;

**Булутли технологиялар** (Cloud computing) кирувчи маълумотларни қайта ишлаш ва таснифлаш инструменти ҳисобланади. Ушбу технологиялар расмий дастурий таъминот, лицензияланган техник воситаларни ўз ичига олади;

Моддий предметлар ҳисоблаш тармоғида Интернет предметларининг пайдо бўлиши янгилик ҳисобланади (масалан, smart watches). Бу янгилик банк иштирокчиларига ўз мижозларининг талабларини ўрганиб, шундан келиб чиққан ҳолда уларга алоҳида хизматлар таклиф қилиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, банкнинг брендини кўтаришга, мижозларнинг банкка содиқ қолишларига олиб келади;

**BlockChain** технологиялари рақамли иқтисодиётнинг асоси ҳисобланади, унинг базасида виртуал пул бирлиги Bitcoin қурилган. BlockChainнинг киритилиши, бир томондан, виртуал валюталарнинг ишончилигини давлат даражасида оширилишини кўзда тутса, иккинчи томондан, марказлашмаган криптомамлакат ғоясини илгари суради.

Электрон тўлов тизимлари, мобил илова-лар ва электрон ҳамёнлар аҳоли турмуш тарзида оммалашиб бормоқда. Ушбу тизимларнинг яхши ишлаши тижорат банкининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди;

**Agile-technologies** моҳияти интерфаол қурилмаларни ишлатишга мўлжалланган дастурий таъминотни ишлаб чиқишни назарда тутди. Ҳар бир босқичда янги дастурий таъминотга оид маҳсулот тестдан ўтказилади, кейинчалик

мижозлар талабидан келиб чиқиб микродаражада ва мамлакат жорий ҳолатидан келиб чиқиб макродаражада мослаштирилади. Agile technologies тижорат банкларига жорий қилиниши банкнинг рақобатбардошлигини сақлашга, янги маҳсулотларни амалиётга ўз вақтида жорий қилишга ёрдам беради.

Банк тизими кўп ҳолларда консерватив тизим бўлиб келган, бу тизимга кириш учун нобанк рақобатчилар учун юқори тўсиқлар мавжуд. Аммо булутли, мобил, ижтимоий ва аналитик технологияларга асосланган рақамли технологиялар бу тўсиқларни анча камайтиришга эришди. Банк тизимида инновацияларни кучайтириш мақсадида кўплаб мамлакатларнинг тартибга солувчи органлари тизимда фаолият олиб бориш учун енгилликлар жорий қилди. Натижада эски тизимдан фарқли ўлароқ, тўлиқ рақамли технологияларга асосланган молиявий ташкилотлар мижозларнинг талабларини янги ва мураккаб усулларда зудлик билан қондириб, мижозларини ўзларига қаратмоқдалар.

Буларга мисол қилиб, э-тижоратнинг етакчилари - Европадаги Tesco, Осиё-Тинч океани худудида Rakuten ва АҚШда Walmart банк тизимига кириб келди. Ҳозирги пайтда дунё бўйлаб тадбиркорлар, ҳатто анъанавий банкларнинг ўзлари ҳам тўлиқ рақамли банк ёки необанклар ташкил қилишмоқда. BankMobile, Number 26, Atom, ZenBanx and NuBank кабилар бунга мисол бўла олади. Ушбу необанкларнинг умумлаштириб турувчи ягона жиҳати уларнинг таклиф қилаётган хизматлари рақамли технологияларга асосланганлигидир.

IBM ўзининг Designing a Sustainable Digital Bank (Барқарор рақамли банкни лойиҳалаштириш) маърузасида рақамли банкнинг 4 моделини ажратиб изоҳлайди:

**А модел** – рақамли банк бренди. Анъанавий банклар ривожланган ва талаблари юқори бўлган мижозларга мослашишга ҳаракат қилиб, янги маҳсулот ва таклифлар орқали янги брендлар ишлаб чиқади. Ушбу брендларни амалда ишлаб турган банк инфратузилмасига қўллашади. Бундай банклар сифатида Сингапурдаги FRANK bank ОСВС ва Испаниядаги LKXA Caixa Bank ни мисол келтиришимиз мумкин.

**В модел** – рақамли каналларга эга бўлган банк. Ушбу банклар А моделдаги банклардан фарқли равишда мавжуд бўлган тажрибани яхшиловчи тармоқ яратишади. Улар мавжуд банк бэк-офис ва лицензиясидан фойдаланиб, уларнинг хизматларини қулайроқ фойдаланувчи интерфейси орқали қайта сотадилар. Бундай банкларга мисол сифатида АҚШда Moven ва Россияда Rocketbankни келтириш мумкин.

**С модел** – банкнинг рақамли филиали. Ушбу модел икки йўналишни жамлаштиради:

рақамли фойдаланувчи тажрибаси ва янги бизнес жараёнларни. Ушбу моделдаги банклар амалда алоҳида ташкилот сифатида ишлайди, бундай банклардан бири BNP Paribasнинг Hello Bank рақамли филиали.

**D модел** – тўлиқ рақамли банк. Бундай банклар мижозларга барча маҳсулотларини рақамли технологиялар асосида таклиф қиладилар. Масалан, Германиядаги Fidor Bank[7].


**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистонда тижорат банкларининг рақамли технологиялари ва хизматларини ривожланишининг ҳозирги ҳолати бўйича мавжуд илмий тадқиқотлар, статистик маълумотларни ўрганиш ҳамда иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакатимизда банк тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонун ва фармонлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси жадал амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 02.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сонли Президент фармони, “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270-сонли Президент қарори, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 12.05.2020

йилдаги ПФ-5992-сонли Президент фармони қабул қилинди.

Бунинг натижасида мижозлар билан ишлаш тизими ўзгармоқда, замонавий банк хизматлари турлари кўпайтирилди ва рақамлаштирилмоқда, валюта бозори либераллаштирилиши ҳисобига нақд пул билан боғлиқ муаммолар ечилди, банкоматлар инфратузилмаси ҳамда замонавий тўлов тизимларини жорий этишга шароит яратилди, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

2020 йил 5 октябрь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳит яратиш ва истиқболли “рақамли” старт-апларни ривожлантириш мақсадида бир қатор вазибалар белгиланган. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошлаган ва кичик корхоналарга старт-ап-лойиҳаларни амалга оширишда; тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни кейинчалик амалга ошириш; ташқи бозорда маҳаллий технологик ва дастурий маҳсулотларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш [1].



**1-расм. Банк ҳисобварақаларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони динамикаси (минг киши)**

*Манба:* муаллиф томонидан умумлашган маълумотлар асосида тузилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожланти-


риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил

3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га қарори ҳам рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини масофадан кўрсатишни ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ривожланиши асносида банк тизимидан масофадан туриб фойдаланиш янада ривожланмоқда (1-расм).

Расмни таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимизда йилдан-йилга масофадан банк хизматларидан фойдаланиш тобора ривожланиб бораёт-

ганлигини кўришимиз мумкин. 2015 йилда ушбу хизматлардан 534.8 минг киши фойдаланган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 14571.1 минг кишини ташкил этган ҳамда 27 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланиш ҳозир ривожланиб бораётган даврда муҳим аҳамият акс этмоқда. Рақамли технологияларнинг имкониятлари фойдаланувчилар учун вақт ва сармоялар тежалишига асос бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчиларнинг турлари бўйича динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (2-расм).



**2-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчиларнинг турлари бўйича динамикаси (минг дона)**

*Манба: муаллиф томонидан умумлашган маълумотлар асосида тузилган.*

2-расмни таҳлил қилар эканмиз, жаҳонда ва хусусан мамлакатимизда COVID-19 пандемияси даврида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш сезиларли даражада ошди. 2015 йилда бир нафар жисмоний шахс ҳам масофавий банк хизматлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли фойдаланмаган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 691 минг киши фойдаланганини кўрсатмоқда ва мос равишда ушбу кўрсаткич 2021 йилда 20 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Юридик шахсларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиши аксинча, 2020 йилга нисбатан пайишини кузатишимиз мумкин.

"Необанк" атамаси (қадимги юнон тилидан – "янги") биринчи бўлиб хорижий оммавий ахборот воситаларида 2017 йилда банк хизматларини масофадан туриб тақдим этишни бошлаган банк секторидаги янги ўйинчиларнинг тавсифида пайдо бўлди. Бугунги кунда умумэтироф этилган ягона атама мавжуд эмас, шу-

нинг учун биз "рақамли банк", "виртуал банк", "он-лайн банк" ва "необанк" каби номларни топишимиз мумкин. Таъкидлаш керакки, рақамли банклар 2 турга бўлинади: баъзилари лицензияга эга ва дастлаб ўз бренди остида мустақил равишда ишлайди, бошқалари мавжуд анъанавий банклар билан бевосита ҳамкорлик қилади ва ушбу банкларнинг ўзига хос он-лайн филиалларига айланади. Масалан, Ўзбекистонда 2020 йилда Грузияда бош офис ва тўлақонли филиалларга эга бўлган Грузия рақамли банки ТВС BANK банки очилди, шунингдек, ўз номига эга рақамли бўлинма, ТВС BANK банки лицензияси бўлган рақамли банк сифатида жойлаштирилган.

Payments Industry Intelligence портали маълумотларига кўра, дунёда 2018 йилда 60 та рақамли банклар мавжуд эди. 2021 йил бошида рақамли муассасалар сони 319 тагача ўсди. Фақат 2019-2020 йилларда 144 та янги банк очил-

ди. Ҳозирги кунда АҚШда 24 та, Европа Иттифоқида 100 га яқин, Хитойда 10 та, Россияда 3 та ва Қозоғистонда 1 та рақамли банк фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2 та рақамли банк мавжуд, бу – биринчи маҳаллий рақамли банки Анорбанк, шунингдек, Грузиянинг ТВС рақамли банки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 09.01.2018 йилдаги ПФ-5296-сонли фармони имзолангандан сўнг банк тизимининг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана банк ва мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган "рақамли" банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунга асосланиб, 2020 йилда мамлакатимизда Анорбанк ва ТВС Банк рақамли банк сифатида рўйхатдан ўтказилди. Дарҳақиқат, "рақамли банк" тушунчаси Европа мамлакатларида 2015-2020 йилларда тез ривожланди. Рақамли банклар ўз мижозларига янада қулай ва фойдали хизматларни тақдим этиш учун замонавий рақамли инновациялардан кенг фойдаланадилар.

Бугунги кунда Анорбанк ва ТВС Банк ўз мижозларига мобил иловалар ёки шахсий компьютерлар орқали рақамли хизматларнинг тўлиқ спектрини тақлиф этмоқда. Бу шуни аниқлатадики, рақамли банк мижозларга 24/7 банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратди. Бошқача айтганда, рақамли банк тизимида мижозга мобил илова тақдим этилади ва мобил илова асосида юқори технологияли ИТ-инфраструктурага эга банк операцияларининг юқори мослашувчанлиги таъминланади.

Рақамли банкларининг ижобий тарафлари қуйидагилардан иборат:

- банк филиаллари кенгайтирилиши шарт эмас;
- банк ва мижоз ўртасида 100 % он-лайн алоқа тизими;
- юқори сифатли ва қулай мобил илова;

- бозор талабларига жавоб берадиган депозит ва кредитлар учун энг қулай шартлар (яъни мижозлар талаби асосида);

- тез, юқори сифатли, қулай ва кечаю кундуз жавоб берадиган марказларининг мавжудлиги.

ТВС BANK Ўзбекистондаги тижорат фаолиятини 2020 йил октябрь ойида ТВС BANK UZ мобил иловаси орқали чакана банк хизматларини тақдим этувчи Space innovation fintech платформаси асосида ишга туширилди. Рақамли банкнинг фаол саъй-ҳаракатлари ва мижозга йўналтирилган молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича 2021 йил октябрь ойи ТВС BANK UZ иловасининг юклав олиниши сони 1 миллиондан ошди ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 820 мингга яқинни ташкил этди. Бугунги кунда ТВС BANK Uzbekistan 7 та янги авлод филиаллари - "шоу-румлар" ва мамлакатимизнинг 12 та шаҳаридаги 34 та мижозларни фаоллаштириш пунктлари орқали фаолиятини олиб бормоқда. ТВС BANK Uzbekistan "The Global Economics" халқаро молиявий нашрининг "Ўзбекистоннинг 2021 йилдаги энг яхши рақамли банки" мукофотиغا сазовор бўлди.

**Хулоса ва тақлифлар.** Хулоса қилиб таъкидлашимиз лозимки, глобаллашув жараёнида банкларни рақамли трансформациялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Банк соҳасида замонавий рақамли ахборот технологиялари ва уларнинг дастурий таъминотларидан фойдаланиш нафақат банк хизматлари бозорида рақобат устунлигини беради, балки, маъмурий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ортиқча вақт сарфини камайтиришга олиб келади.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши мижозлар учун банк филиалларига бормай депозитларни хавфсиз сақлаш, транзакцияларни қайта ишлаш, банк филиалларида қабул қилиш, ахборот киоскалари ва банкоматлар тармоғидан фойдаланиш, кредитлар олиш, шу жумладан истеъмол ва овердрафтлар, конверсия ва алмашинув хизматларини тақлиф этмоқда.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли фармони.
2. Серебренникова А.И. Сущность и проблемы внедрения инноваций в банках. //Банковское дело. 2020. № 1. С. 68–73. Соколинская Н.Э. Механизмы информационного и научно-технологического обеспечения инноваций в банковской сфере в условиях цифровой экономики. //Банковское дело. 2020. № 2. С. 25–30.
3. Ма Х., Мэн Ч., Ян Д., Ван Х. Цифровая трансформация Китая. -М.: Альпина Паблишер, 2019. 249 с.
4. Вайл П., Ворнер С. Цифровая трансформация бизнеса. -М.: Сбербанк; Альпина Паблишер, 2019. 215 с.
5. Гурвиц Дж.С., Ньюджент А.Ф., Халпер Ф., Кауфман М.А. Просто о больших данных. -М.: Эксмо, 2015. 400 с.
6. "Designing a sustainable digital bank" Learning from the digital pioneers-IBM Sales and Distribution White Paper Executive Summary// Copyright IBM Corporation 2015-p.3.  
<https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>